O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 30 август, № 171 (4581) Шанба

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР РЎЁБИ

## Президентимиз Ислом Каримов 29 август куни пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди



**Мамлакатимизда янги саноат корхоналари, маданият ва спорт иншоотлари, таълим масканлари, савдо марказлари, шифохоналар, тураржойлар, йўллар ва кўприклар барпо этиш, мавжудларини замон талаблари даражасида тубдан реконструкция қилиш ишлари изчил давом этмоқда. Бундай иншоотларни энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш анъанага айланган. Ана шу анъанага мувофиқ Истиқлолимизнинг 17 йиллик байрами арафасида юртимизнинг барча вилоятларида, жумладан, пойтахтимизда бир нечта янги иншоотлар фойдаланишга топширилди.**

**Президентимиз Ислом Каримов 29 август куни уларнинг айримлари билан танишди.**

Ватанимизнинг куч-қудрати, иқтисодий ва маънавий салоҳияти, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузининг нечоғли юқори бўлиши кўп жиҳатдан замонавий билим ва малакага эга кадрларга боғлиқ. Шу боис ўсиб келаётган навқирон авлодни маънавий юксак, янгича билим ва тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган қонунлар, миллий дастурлар ўғил-қизларимизни дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган, баркамол инсонлар этиб вояга етказишга қаратилгандир.

Жаҳонда таълим тизимининг «Ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ушбу ислоҳотлар миллий ва энг илғор умумбашарий маърифий анъаналарни ўзида мужассам этгани, таълим ва тарбиянинг ўзаро ҳамоҳанглиги, тизимдаги барча бўғинларнинг бирбири билан узвий боғлангани, узлуксизлиги ва босқичмабосқичлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Буни юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнига халқаро миқёсда эътибор ва қизиқиш тобора ортиб, дунёдаги етакчи таълим масканларининг соҳага оид ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётганида ҳам яққол кўриш мумкин. Пойтахтимизда Тошкент Халқаро Вестминстер университети,

(Давоми 2-бетда).

# РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУКУМАТИ РАИСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

***Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Путин 1-2 сентябрь кунлари амалий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.***

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Россия ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро хусусиятга эга долзарб муаммолар муҳокама этилади.

Музокаралар якунида икки мамлакатнинг қатор соҳаларда ўзаро ҳамкорлигини чуқурлаштиришга доир икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

# ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

***Хорижий давлатларнинг юртимизда фаолият юритаётган элчихоналари раҳбарлари 29 август куни ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.***

**Дунё нигоҳи**

Мустақиллик майдонига қадам қўйган ҳар бир инсон қалбида эзгу туйғулар жўш уради. Жозибадор фавворалар, ранг-баранг тошлар билан безатилган йўлкалар, тўрт фаслда ҳам гуркираб турувчи дарахт ва майсалар баҳр дилни очади. Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган Мустақиллик ва эзгулик монументи ўзининг улуғворлиги, кўрку салобати билан давлатимизнинг улкан куч-қудрати ва салоҳиятини ифодалаб турибди. Монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, ўзбек халқининг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирган ноёб мажмуадир.

Мамлакатимизда ўтадиган умумхалқ байрамлари ҳамда давлат миқёсидаги бошқа тантанали маросимларда Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиш анъанага айланди. Шунингдек, Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, турли мақомдаги делегациялар вакиллари ва бошқа меҳмонлар монумент пойига гулчамбар қўйиши ҳам таомил тусини олди.

Хорижий давлатларнинг юртимизда фаолият юритаётган элчихоналари раҳбарлари Ватанимиз истиқлолининг 17 йиллик байрами арафасида Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйгани ҳам уларнинг миллий анъаналаримизга бўлган юксак ҳурмати ифодасидир.

**Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Кён Джэ МИН:**

— Мустақиллик майдонининг тароватини таърифлашга сўз ожиз. Мазкур майдон, Мустақиллик ва эзгулик монументи, бинолар ўзининг улуғворлиги, кўрку салобати билан давлатингизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини яққол ифодалайди.

Халқингиз катта тантана — Мустақиллик байрами арафасида турибди. Шарқ дарвозаси бўлмиш қадимий ва навқирон Тошкент кундан-кунга чирой очмоқда. Пойтахтингизда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ундаги бетакрор меъморий обидалар, муқаддас қадамжолар ва маданий ёдгорликлар, маҳобатли иншоотлар, кенг ва озода кўчалар, сўлим боғлар ва сержило фавворалар ҳар қандай кишини мафтун этади.

Мамлакатингиз истиқлол йилларида иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан қудратли, жаҳон сиёсати саҳнасида ўз овози ва нуфузига эга давлатга айланди. Давлатингиз раҳбари юритаётган оқилона сиёсатнинг самаралари келажакда янада ошишига ишонаман.

**Кувайт Давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Одил Муҳаммад Абдурасул Ҳасан ҲАЁТ:**

— Юртингиз Тошкент, Самарқанд, Хива, Бухоро каби қадимий ва гўзал шаҳарлари билан дунёга машҳур. Мамлакатингиз мустақиллик йилларида таниб бўлмас даражада ўзгарди — чиройига чирой, кўркига кўрк қўшилди. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Аждодларнинг бой меросини асраб-авайлаш, чуқур ўрганиш, ривожлантириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳам эътиборга сазовордир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Мустақиллик айёми билан чин юракдан муборакбод этаман.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

***29 августда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.***

Парламент юқори палатасининг аъзолари ялпи мажлиснинг иккинчи кунини «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Мазкур Қонуннинг қабул қилиниши жиноятнинг ана шу турига қарши курашнинг самарали қонунчилик базасини яратиш юзасидан Ўзбекистонда олиб борилаётган ишлар изчиллик асосида давом эттирилаётганлигидан далолат дея таъкидланди. Бу йил Ўзбекистонда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги, «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протоколни ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилинди. Ана шу ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини тақозо этади. Шу муносабат билан Жиноят кодексининг янги таҳрирдаги 135-моддаси амалдагисидан фарқли равишда содир этилганлиги учун жазо тайинланишини назарда тутувчи қилмишлар таркибини кенгайтирмоқда. Бундай қилмишлар жумласига ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларини қўллаш йўли билан содир этилган, икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан содир этилган, шунингдек,



ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан ёки айбдорга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилган ҳамда бошқача тарзда амалга оширилган одам савдоси жиноятлари киради.

«Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 211-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида сенаторлар Кодекснинг мазкур моддасига киритилаётган ўзгартишларга мувофиқ суд томонидан жиноят қуроли деб топилган ҳар қандай ашёлар, улар гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига ёки жиноятни содир қилишда иштирок этмаган бошқа шахсга қарашлилигидан қатъи назар, мажбурий равишда мусодара қилиниши жоиз ва улар тегишли муассасаларга топширилиши ёки йўқ қилиб юборилиши керак. Мазкур қўшимча ўз мол-мулкини бошқаларга бериб тураётган, шу жумладан, фойда олиш мақсадида бериб тураётган шахсларнинг фуқаролик жавобгарлигини оширишга ёрдам беради, деб таъкидланди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни ратификация қилиш ҳақидаги қонунларни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси)

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Робахон Анваровна **Махмудова** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг Раиси**
**И. СОБИРОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 29 август*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Шерамат Хайитович **Худойбердиев** Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси этиб сайлансин.
2. Шухратжон Бутаерович **Мамадияров** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг Раиси**
**И. СОБИРОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 29 август*

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФРАНЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ВАЗИФАСИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ**:

1. Бахромжон Журабоевич **Аълоев** Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.
2. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг Раиси**
**И. СОБИРОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 29 август*

**Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир**

# ЁШЛАР ТУРМУШИ ФАРОВОНЛАШАДИ

**Бир рақам шарҳи**



**2008** йилнинг фақат биринчи ярмида ёш оилалар учун умумий ҳисобда **33,4** миллиард сўм истеъмол ва ипотека кредитлари ажратилди.

Шундай қилиб, «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида ёш оилаларнинг тураржой ва маиший шарт-шароитларини яхшилаш орқали уларнинг фаровонлигини таъминлаш сиёсати фаол давом эттирилаяпти.

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР РЎЁБИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Г.Плеханов номидаги Москва иқтисодиёт академияси, И.Губкин номидаги Россия Давлат нефть ва газ университети, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиаллари фаолият кўрсатаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил январь ойида Сингапур Республикасига давлат ташрифи чоғида иқтисодий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид ҳужжатлар имзоланган эди. Бунинг амалдаги натижаси ўлароқ, давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 5 сентябрда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорига биноан олий таълим масканлари сони яна биттага кўпайди.

Президентимиз янги ўқув йилига шай ҳолга келтирилган Сингапур менежментни ривожлантириш институти билан танишди.

Ушбу олий таълим масканида банк иши, бизнесни бошқариш, молия ва туризм, бизнесда замонавий ахборот технологиялари йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланади. Институтнинг замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланган ресурс маркази ҳам ўқув, ҳам электрон кутубхона вазифаларини мужассам этган. Айни пайтда бир юз йигирма минг китоб захирасига эга кутубхона, бир вақтнинг ўзида ўн етти аудиторияда машғулотларни трансляция қилувчи мультимедиа студияси, шинам ўқув, компьютер хоналари, аудиториялар, илмий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган зал ҳам халқаро талаблар даражасида бунёд этилган ва жиҳозланган.

Давлатимиз раҳбари институтда талабалар учун яратилган шароит билан танишар экан, мазкур таълим даргоҳидаги ўқув жараёни, аввало, миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан ташкил этилмоғи зарурлигини алоҳида таъкидлади.

— Ушбу институтни тугатган йигит-қизлар нафақат мамлакатимиз, балки халқаро талаблар ва андозаларга ҳам тўла жавоб бера оладиган етук мутахассислар бўлмоғи лозим, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари институт талабалар уйида ёшларнинг олган билимини мустаҳкамлаши, бўш вақтини мароқли ва мазмунли ўтказиши учун қулай шароит ва имкониятлар яратиш муҳимлигига эътиборни қаратди.

Институт ҳудудида барпо этилган спорт мажмуаси очиқ ва ёпиқ залларни, минифутбол, баскетбол ва волейбол майдончалари, югуриш йўлаклари, сузиш ҳавзаси, тўрт юз ўн ўринли спорт залини ўз ичига олган. Буларнинг бари ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишига қаратилган.

Президентимиз Ислом Каримов пойтахтимизда бунёд этилган Ёшлар ижод саройи билан танишди.

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Ёшлар йили" Давлат дастурида мусиқа, рассомлик, адабиёт, санъат ва маданият соҳаларида ёшларнинг ижодий қобилиятини аниқлаш ҳамда ривожлантириш, мазкур масалалар билан шуғулланаётган жамоат ва нодавлат ташкилотларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бирга "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Сен ёлғиз эмассан", "Меҳр нури", Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази каби нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этаётир.

Ўзининг кўрку салобати билан пойтахтимиз ҳуснига ҳусн бағишлаган мазкур сарой ўзининг меъморий ечими, имкониятлари жиҳатидан ноёбдир.

Шу кунларда Ёшлар ижод саройида "Навқирон Ўзбекистон" республика анъанавий ва замонавий санъат кўргазмаси давом этмоқда. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада икки юз нафардан зиёд ижодкорнинг турли мавзудаги асарлари намойиш этилмоқда.

— Истеъдод — қудратли куч, — деди Президентимиз. — Юртимизда истеъдодли ёшлар жуда кўп. Ана шу ёшларимизнинг истеъдод ва иқтидорини рўёбга чиқариш учун барпо этилган ушбу саройда мунтазам равишда кўргазмалар, фестиваль, танлов ва бошқа тадбирлар ўтказиб туриш керак. Улар ёшларимизнинг ғайратига ғайрат, истеъдодига истеъдод қўшиши шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари "Навқирон Ўзбекистон" республика анъанавий ва замонавий санъат кўргазмаси билан танишар экан, уларни муайян мавзулар бўйича ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.

— Боғча ёшидаги болаларнинг, мактаб ва коллежлар ўқувчиларининг, олий ўқув юртлари талабаларининг асарларини алоҳида-алоҳида намойиш этиш, кўргазма жараёнида муаллифлар билан учрашувлар, суҳбатлар ташкил этиш янада юксак самаралар беради, — деди Ислом Каримов. — Бунда чекка туманларда, айниқса, қишлоқларда яшаётган ёшларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Президентимиз Тошкент ислом университетининг янги биносини ҳам кўздан кечирди.

Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил қилинган ушбу университетнинг асосий вазифаси дунёвий ва диний билимларни, чет тилларни чуқур ўзлаштирган юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат. Улар буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини чуқур ўрганиб, халқимизнинг диний ва маънавий қадриятларини демократик жамият қадриятлари билан уйғунлаштиришга, шу орқали мамлакатимизни янада ривожлантиришга хизмат қилишлари даркор.

Университетнинг янги биноси бунёд этилгач, унинг ахборот-ресурс марказида, айниқса, катта ўзгаришлар рўй берди. Унда 4000 номдаги дарслик, қўлланма ва адабиётлар жамланган. Компьютер воситасида нодир қўлёзмалар билан танишиш ва ишлаш мумкин. Янги бинода аудиториялар, энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган хоналар, ошхона мавжуд.

Ислом Каримов университет профессор-ўқитувчилари билан мулоқот чоғида ўқитиш жараёнида талабаларнинг маънавий дунёсини бойитиш, дунёқараш ва тафаккурини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

— Маънавий дунёси юксак, теран билимли одам ҳаёт йўлларида ўзини йўқотмайди, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата олади, ўзгаларнинг таъсирига берилмайди, — деди Ислом Каримов. — Маънавий қашшоқ инсоннинг жаҳолат комига тушиши осон. Биз жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, неча минг йиллик қадриятларимизни тиклаш, аждодларимиз меросини ўрганиш мақсадида шундай таълим масканларини очганмиз.

Президентимиз жаҳон андозалари даражасида тубдан реконструкция қилинган "Пахтакор" марказий стадионини ҳам бориб кўрди.

Стадион икки йил мобайнида қайта қурилиб, фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган бўлса-да, белгиланган ишларнинг асосий қисми бир йилдан сал кўпроқ вақт ичида бажарилди.

Ислом Каримов даставвал стадионнинг марказий секторида амалга оширилган ишлар, хусусан, мураббийлар, спортчилар, меҳмонлар учун қурилган заллар ва дам олиш хоналари билан танишди.

Стадионда томошабинлар учун қулай ўриндиқлар қўйилган. 11х8,5 метр ўлчамдаги янги табло мухлисларга мусобақани ҳар томонлама кўриш имкониятини яратади. Ёритиш ускуналари ФИФА талабларига тўла мос келади. Бу ерга ташриф буюрган мухлисларга маълумотларни тез ва сифатли етказиш имконини берадиган янги замонавий аудиосистема, рекламаларни намойиш қилиш учун майдон четида электрон мосламалар ўрнатилган.

Мамлакатимиз раҳбари иншоот дизайнида Шарқ ва Ғарб меъморчилиги намуналарининг анъана ва услублари ўзаро уйғунлашгани эътиборга лойиқ эканини таъкидлади.

— Стадиондаги ҳар бир деталь ўз ҳолича ва умумий манзара билан уйғунлашган ҳолда ҳам гўзал бўлиши керак, — деди Ислом Каримов. — Айни чоғда, спортчилар ўз маҳоратини тўла намойиш этиши ва мухлислар мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилиши даркор.

Давлатимиз раҳбари стадионда юқори мартабали меҳмонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун мўлжалланган секторларни кўздан кечирди. Мазкур секторларда қулай ўриндиқлар олдида ўрнатилган замонавий мониторлар орқали бир вақтда ўтаётган бошқа мусобақаларнинг боришини кузатиш имконияти мавжуд.

Мазкур стадионда нафақат футбол, балки теннис, кураш, баскетбол, волейбол, шахмашашка ва спортнинг яна бошқа турлари бўйича нуфузли турнирлар ўтказиш учун ҳам барча имкониятлар яратилган. Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда "Пахтакор" марказий стадиони нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки МДҲ ҳудудидаги энг замонавий, ноёб спорт мажмуаларидан бирига айланган.

Президентимиз стадион атрофида барпо этиладиган зарур инфратузилмани ривожлантириш навбатдаги муҳим масала эканини қайд этди. Бу борада мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар энг улуғ неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги рўёбидир. Пойтахтимизда қад ростлаган янги иншоотларни кўриб, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз.



**Назокат УСМОНОВА,**
**Воҳид ЛУҚМОНОВ,**
**Анвар БОБОЕВ,**
**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА мухбирлари.**
**Сарвар ЎРМОНОВ**
**олган суратлар.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

имзоланган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Баённомани (Бишкек, 2007 йил 16 август) ратификация қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида сенаторлар ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан киритилганлигини қайд этиб ўтдилар. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг замирида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2007 йил 16 августда Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида имзоланган, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасидаги Минтақавий аксилтеррор тузилмаси тўғрисидаги Битимга ўзгартишлар киритиш ҳақидаги Баённомага қўшилиш мақсади мужассам.

Баённома Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка бўлган трансмиллий таҳдидларга қарши курашда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг кўп томонлама ҳамда кенг ҳамкорлигини таъминлаши керак бўлган тузилма – Минтақавий аксилтеррор тузилмаси фаолият механизмини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор чораларни назарда тутади.

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари Ҳукумати ўртасида уюшган жиноятчилик, терроризм ва жиноятчиликнинг бошқа хавфли турларига қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Абу Даби, 2008 йил 17 март) ратификация қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам сенаторлар томонидан маъқулланди. Ушбу Битимда Тарафларнинг ҳамкорлик шакллари, ахборот алмашиш, сўровлар юбориш ва уларни кўриб чиқиш тартиби, шунингдек, бу муҳим соҳадаги ҳамкорликнинг бошқа шакллари назарда тутилмоқда. Мазкур Битим энг хавфли турдаги жиноятларга қарши курашда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, шунингдек, фуқаролар, жамият ва давлат жиноий тажовузлардан ишончли тарзда ҳимоя этилишини таъминлаш мақсадида имзоланганлиги айтиб ўтилди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш ҳақидаги, Ўзбекистон Республикасининг Франция Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчиси вазифасига тайинлаш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар. Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатига тааллуқли бошқа долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шу билан Олий Мажлис Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси ўз ишини тамомлади.

Сенатнинг мамлакатимиз мустақиллигининг ўн етти йиллиги арафасида бўлиб ўтган икки кунлик мажлисида ҳаммаси бўлиб 20 та масала кўриб чиқилди.

Парламент юқори палатаси томонидан ана шу мажлисда маъқулланган қонунлар ҳамда қабул қилинган қарорлар, сенаторларнинг фикрича, мамлакатимизнинг социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида содир бўлаётган демократик ўзгаришларга янада теранлик бахш этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдими асосида Сенат томонидан «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» Қарор қабул қилинганлиги суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, жамият ва давлат қурилишини демократлаштириш борасидаги изчил ислоҳотларнинг ёрқин ифодаси, юксак инсонпарварлик ҳаракатининг амалий мужассамидир.

«Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бир қанча ҳужжатларнинг қабул қилинганлиги инсоннинг социал ва иқтисодий ҳуқуқлари ҳимоя этилишини, аҳоли ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланишини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизнинг қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантиришга қаратилган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, шунингдек, Сенат томонидан қабул қилинган бошқа қатор қарорлар мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Сенат томонидан маъқулланган «Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришнинг, қонунийликни, ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлашнинг, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари янада кенгроқ таъмин этилишининг муҳим омили бўлиб қолади.

Сенатнинг ўн бешинчи ялпи мажлиси ишчанлик ва амалий вазиятда ўтди. Унинг иштирокчилари кўриб чиқилган масалаларнинг мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлиги остида амалга оширилаётган бунёдкорлик йўналишидаги ислоҳотларни рўёбга чиқаришдаги аҳамиятини алоҳида таъкидладилар. Янги қонунларни тарғиб қилиш ва тушунтириш соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, ҳуқуқни қўлланиш амалиётининг механизмини такомиллаштириш зарур, деган фикр ҳам билдирилди. Бундай ёндашув, қайд этилганидек, мамлакатимизнинг демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан изчил илгарилаб боришига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари янада тўлароқ таъминланишига ёрдам беради.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг**
**Матбуот хизмати.**




***Элда бугун руҳ ўзгарди. Элнинг бўлаётган ишлардан, ўзгаришлардан тўлқинланганини кўриб, кўнглинг дарёга айланади гўё. Қулоғингга боболар айтган достонлардаги оҳанглар жаранглаб эшитилади:***

***Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема,***
***Бошинг эсон, давлатингни кам дема.***

***Давраларнинг сўзини достон қилгинг келади, элнинг ифтихорини ҳаяжонга тизгинг келади. Бу ақлли элнинг эсингни элитадиган, дилингни яйратадиган, йўлингни ёритадиган танти гапларини ёзмасанг туролмайдигандай бўласан. Қалам қайнаб тургандай, юрак қушдай учгудек...***

# САОДАТЛИ КУНЛАР ШУКРОНАСИ

▼ Туйғу

### «Одамлар ўзгарди, болам, замон ўзгарди»

— 17 ёшимда отамнинг ёнига кирганман, — дейди Мирзо бува. — 17 ёшимда эсим тиниққан, 17 ёшимда юрагим бир ҳаприқиб кетган... — Гапни чертиб-чертиб, жой-жойига қўйиб, керагини айтиб сўзлашни билади у. — Худога шукур, тўрт мучам соғ, уйим тинч, қанотим бут, насибам мўл, болам. Яқинда невараларим, болаларим туғилган кунимда келиб, бир яхши гапларни айтишдиёй. Бирови нима дейди денг? «Бува, мустақиллик сизга нима берди?». Ўйладики, буваси жавобни уч кечаю уч кундуз ўйлаб айтади, билмайдики, буваси гапга чечан одам. Неварамга: «Болам, мустақиллик менга хотиржамлик ва сенинг қувончингни берди», дедим.

Ахир мен нега хотиржам бўлмай? Юрт тинч, меҳр-оқибат ҳар қадамда, ғамхўрлик ҳар дақиқада... Интилган илинадиган, излаган сизланадиган замон келди. Қўлни қовуштириб ўтириш ёт бўлди, қимирлаган қир ошиб ётибди. Бу фермер деганларини қаранг, биргина бизнинг Ўрта Чирчиқда мингга яқин, Пскент, Оққўрғон ва Бекободда ҳам минглаб фермер бор экан. Бари бой. Ҳа, энди, 50-100 гектар ери бор одам бой бўлмай ким бой бўлади? 20-30 йил аввал топгани бир қоп унга етмай, қозони гўшт кўрмай деҳқонлар ҳам ўтди... Шукур қилиш керак, ерни муқаддас билиш керак...

Сенга айтсам, болам, илгари тадбиркор деса, икки боши бор одам кўз олдимга келарди, улар биздан бошқачароқ бўлса керак, деб ўйлардим. Йўқ, ўзимизга ўхшаган экан. Қишлоғимизда йигирмага яқин тадбиркор бор. Бири тегирмон очди, бири дўкон, бири қадоқлаш цехи, бири ошхона, яна бири гузар... Хуллас, ҳаммаси тиниб-тинчимаган одамлар, ҳатто бирови қишлоқнинг ўртасида тўйхона қурди.

Шундай эркинликни яратган Президентимизга ташаккур, дейман. 17 йил мобайнида тадбиркор билан фермерни қўллаб-қувватлайдиган қанчадан-қанча фармонлару қарорлар чиқди, ахир.

Шу гап баҳона яқинда бўлган бир воқеани айтмасам бўлмас.

Эрмат фермер дегани бор. Сал чапанироқ, чўрткесар, лекин отасининг дуосини олган, деҳқончиликни тушунади. Унинг даласига юқоридан текширув гуруҳи келибди, уларнинг каттаси Эрмат фермерга даб-дурустдан «Ғўзаларинг сувдан қолган, нега суғормаяпсан?!» деб дўқ урибди. Эрмат фермер аввалига секингина, кейин эса кесиб-кесиб вазиятни тушунтирибди, охирида «Ғўзага қачон сув беришни тушунмасак, кетмон кўтариб юрмаймиз» дебди. Каттанинг жаҳли чиқибди:

— Сен кимга ўргатаяпсан, кимингга ишониб менга катта гапираяпсан?

— Мен Президент отамга ишониб юрибман! — дея жавоб қилибди фермер.

Ҳа, фермер билан тадбиркор бугун орқасида тоғ борлигини сезиб, тобора дадиллашиб бормоқда. Илоҳим, суяниб турган тоғлари ҳеч қачон нурамасин.

Баъзан ўтириб хаёлга эрк бераман. 17 ёшимда «Шу Мирзонинг уч ўғли фан доктори, икки невараси чет элда ўқиб, ишлайди» деса, эшитган одамнинг кулгисига қолардим. Истиқлол туфайли бу афсона ҳам ҳақиқатга айланди, болам. Одамлар ўзгарди, замон ўзгарди, болам...

### Маҳалла — элнинг ор-номуси

Хўш, маҳалланинг ўзи нима? Маҳалламиз, болам, бу — бамаслаҳат иш дегани, бир ёқадан бош чиқариш дегани, меҳр-оқибатнинг бешиги дегани, тараққиёт эшиги дегани...

Маҳалла — ор-номус дегани. Чунки элда ор-номус бўлса, юртнинг қадди баланд бўлади. Ор-номусли эл Ватаннинг қадрига етади, тотиган тузига, сўзлаган сўзига, босаётган изига, қуёшнинг юзига тик қарайди.

17 йил ичида маҳаллада, аввало, фермер ва тадбиркор деган ишбилармонлар пайдо бўлди, сўнг бирбиридан чиройли гузарлар, савдо дўконлари, гўзаллик салонлари қурилди. Маҳалла аҳли қайгадир шошган, қайгадир талпинган, қайгадир йўл олган... Хуллас, ҳамма ҳаракатда, бекорчининг ўзи йўқ.

Тунов куни маҳалламиздаги бир тадбиркор аёл — Ҳадичахон қайсидир танловда қатнашиб, грант ютиб олибди. У грант пулига «Буюртма кафе» қуришни бошлади. Бу дегани — уйингизга тўсатдан меҳмон келиб қолса ёки кўнглингиз тансиқ бир таомни тусаса, сиз ўша ерга буюртма берасиз ва ярим соатда дастурхонингиз ноз-неъматга тўлади.

Истиқлол йилларида, айниқса, маҳалланинг бўйи ўсди, йўли узайди, қадами дадиллашди. Маҳалла учун жонини берадиган фидойилар кўпайди, маҳалланинг тарафдорлари кўпайди. Маҳалла Ватан ичра Ватан бўлди. Маҳаллага меҳри тушган одамнинг Ватанга меҳри тушади. Меҳр эса Ватанни суюкли қилади, унга бўлган фидойиликни тарбиялайди.

Мен 17 йилдан бери ён дафтарчамга бир кузатув натижаларини ёзиб бораяпман, болам. Ўтган асрнинг 90-йилларида маҳалламизда 70 ёшли қария 10 нафар бўлиб, 80 ёшлилар бўлмаган экан. Ҳозир маҳалламизда 3 нафар 90-92 ёшли, 10 нафар 80-82 ёшли, 20 га яқин 70-78 ёшли қария яшайди. Бу турмуш шароитимиз яхшиланганлигидан, одамларнинг саломатлигига бўлган эътибордан. Лекин, энг асосийси, маҳалладаги меҳр-оқибатдан, тотувликдан, бир-биримизга айтаётган ширин сўзимиздан, одамларга кўрсатилаётган ғамхўрликлардан умр узаймоқда, болам.

Истиқлол байрами олдидан одамлар ҳовлиларини тозалаб оқлашга, кўчаларга гул экишга, байрам ўтказиш жойларини ободонлаштиришга киришиб кетди. Аёлларимиз, қизларимиз янги кўйлак ишқида маҳалламиздаги чеварларнинг дарвозасини тез-тез тақиллатишмоқда, ёшларимиз турли тадбирлар ва спорт мусобақаларини ташкил этишаяпти, фермерлар ва тадбиркорларимиз ҳомийлик ёрдамига шошилмоқдалар.

Маҳалладан бошланган Ватанда шодиёналар бошланди, насибалар бутун бўлмоқда. Илоҳо, юртимизга кўз тегмасин.

### Ифтихор дарахтлари

Ҳар бир инсоннинг кўнглида ифтихор ўсиши учун топган қувончининг ва бахтининг йўли узун бўлиши керак. Элнинг топган қувончи — Мустақиллик абадий, етишган бахти — Истиқлол эса баркамол йигитлик фаслига кирмоқда.

Ўн етти йилда амалга оширилган улкан ишлар давраларнинг суҳбат мавзусига айланмоқда, одамлар эрта туриб, дилда ҳаяжон билан тонгни қаршиламоқда.

Тонглар оппоқ, ниятлар оппоқ, орзулар ёруғ. Шу юрт фарзанди эканлигидан, авлоду аждодлари кимлигини билганидан, ўз эркини, ўз бахтини ўзи яратаётганидан бахтиёр эл катта байрамга тайёргарлик кўрмоқда.

Ўн еттига кирган Истиқлолнинг достонлари узун-узун, айтаверсанг тугамайди, илоҳо, тугамасин, биз айтишдан чарчамайлик!

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**

▼ Яхши хабар

***Нукус шаҳрида қурилаётган темир йўл касб-ҳунар коллежи байрам арафасида фойдаланишга топширилади.***

### БЎЛҒУСИ ТЕМИР ЙЎЛЧИЛАРГА СОВҒА

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компанияси буюртмаси асосида бунёд этилаётган ушбу коллеж қурилишида Хоразм, Андижон, Навоий, Бухоро ва бошқа вилоятлардан келган 250 нафардан ортиқроқ ишчи меҳнат қилмоқда.

Жорий йил январь ойида қурилиши бошланган, 210 ўқувчига мўлжалланган ушбу таълим даргоҳи қошида 40 ўринлик ётоқхона ҳам бор.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Музокаралар олиб борилди

***Суданда бир гуруҳ террорчилар "Boeing-737" русумидаги самолёт йўловчиларини қўлга олишди.***

"Франс-пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, ҳукумат террорчилар билан музокаралар олиб бориб, барча йўловчиларни озод этишга келишди.

Аммо, етти нафар экипаж аъзосининг аҳволи ҳозирча номаълумлигича қолмоқда.

## Техник носозлик туфайли



***АҚШдаги 30 та аэропортда авиақатновлар вақтинчалик тўхтаб қолди.***

"Ассошиэйтед-пресс" ахборот агентлиги хабарида айтилишича, мамлакатдаги Фуқаро авиацияси федераль бошқармасида (FAA) техник носозлик вужудга келган. Натижада, самолётлар парвозини назорат қилиш тизими ишламай қолган.

Бир неча соат давом этган таъмирлаш ишларидан кейин юздан ортиқ самолёт яна самога кўтарилган.

## Ходимлар қисқаради

***Германиядаги йирик "E.On" энергокомпанияси ходимлари сонини 1800 нафарга қисқартиришга қарор қилди.***

Бу ҳақда "Франс-пресс" ахборот агентлиги хабар тарқатди.

— Бугунги кунда компанияда жами 15 минг киши ишларди, — дейди мутасаддилардан бири. — Компания акцияларининг сотилиши ва даромаднинг камайиши сабабли ходимларни қисқартиришга мажбур бўлди.

## Ноёб топилма

***Перудаги Уака Пукльяна номли ёдгорликда археологлар ноёб топилмага дуч келишди.***

Экспедиция раҳбари Исабель Флореснинг таъкидлашича, тадқиқот давомида учта мўмиёланган жасад топилган. Мутахассисларнинг фикрича, улар эрамиздан аввалги VIII асрга тегишли эканлиги айтилмоқда.



Мўмиёланганларнинг бири аёл, қолгани ёш болалар экан.

## Фильмлар фестивали

**Венецияда 65-халқаро кинофестиваль бошланди.**

"Рейтер" хабарига кўра, фестивалда 21 та картина намойиш этилади. Унда таниқли режиссёрлардан Такеши Китанонинг "Ахиллес ва тошбақа", Даррен Аронофскининг "Курашчи", Пупи Аватининг "Il Papa di Giovanna" ва бошқа фильмлар бош соврин учун курашади.

## Ҳаво шарида беш йил

***Буюк Британиялик Рози Суэйл беш йил мобайнида ҳаво шарида сайёрамиз узра сайр қилди, дейилади "Times" нашри тарқатган хабарда.***



У саёҳати давомида 32 минг километр масофани учиб ўтиб Европа, АҚШ ва Канадада бўлган. 61 ёшли Рози сафари чоғида хайрия тадбирларини ҳам уюштирган. У ҳар бир мамлакатдаги саратон касаллиги билан оғриган беморларга бепул дори-дармон тарқатган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# КИТОБ БАЙРАМИ

***Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармаси, «Сурхондарёкитобсавдо» ОАЖ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ташаббуси билан «Китоблар эзгуликка йўллайди» шиори остида китоб байрами ўтказилди.***

Республикамиздагина эмас, балки хорижда ҳам ўзининг сифатли маҳсулотлари билан танилган «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон» ва бошқа нашриёт-матбаа ижодий уйлари томонидан чоп этилган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий йўналишдаги сара асарлар, плакатлар, ўқув қўлланмалари кўргазмаси китобхонларда катта таассурот қолдирди.

Худди шу куни шаҳарнинг Марказий бозорида «Мактаб ярмаркаси» ҳам иш бошлади. Унда ўқувчиларга зарур бўлган ранг-баранг маҳсулотлар сотилмоқда.

**Г. САИДМАЛИКОВ.**







# ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

**қуйидаги кафедралар бўйича 2008-2009 ўқув йилига бўш ўрин лавозимларга танлов эълон қилади:**

1. Педагогика ва психология кафедраси — *кафедра мудири.*
2. Менежмент кафедраси — *кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ассистент.*
3. Автомобиллар кафедраси — *кафедра мудири.*
4. Фалсафа кафедраси — *кафедра мудири, катта ўқитувчи, ассистент.*
5. Автомобиль йўллари ва аэропортлар кафедраси — *кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи.*
6. Амалий механика кафедраси — *кафедра мудири.*
7. Автомобилларда ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси кафедраси — *кафедра мудири, катта ўқитувчи, ассистент.*
8. Иқтисод ва сервис кафедраси — *кафедра мудири, профессор, доцент, ассистент.*
9. Кўприклар ва транспорт тоннеллари кафедраси — *профессор, катта ўқитувчи.*
10. Автомобилсозлик технологияси кафедраси — *профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент.*
11. Жисмоний тарбия кафедраси — *кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи.*
12. Электромеханика ва автоматика кафедраси — *катта ўқитувчи.*
13. Олий математика кафедраси — *катта ўқитувчи, ассистент.*
14. Физика кафедраси — *доцент, катта ўқитувчи.*
15. Сиёсатшунослик ва Ўзбекистон тарихи кафедраси — *доцент, катта ўқитувчи.*
16. Автотранспорт техник эксплуатацияси кафедраси — *доцент.*
17. Автотрактор двигателлари ва экология кафедраси — *доцент, катта ўқитувчи.*
18. Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш кафедраси — *доцент.*
19. Химмотология кафедраси — *доцент, катта ўқитувчи.*
20. Тиллар-I кафедраси — *катта ўқитувчи, ассистент.*
21. Информатика ва информацион технология кафедраси — *катта ўқитувчи, ассистент.*
22. Тиллар-2 кафедраси — *катта ўқитувчи.*
23. Машиналарни лойиҳалаш асослари кафедраси — *доцент, катта ўқитувчи.*
24. Чизма геометрия ва графика кафедраси — *катта ўқитувчи, ассистент.*

*Танлов муддати — эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кун.*

**Танловда қатнашишни хоҳловчилар қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси (собиқ Мовароуннаҳр кўчаси), 20-уй, ТАЙИ ходимлар бўлими, 156-хона.**

**Телефон: 232-15-29.**


*Муҳтарам газетхон! Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифа бепул илова қилинмоқда.*










«Ўзбекистон металлургия комбинати» АИБ жамоаси

Ўзбекистоннинг кўп миллатли халқини энг улуғ ва энг азиз байрам —

Мустақилликнинг 17 йиллиги билан

самимий муборакбод этади!

*Ушбу файзли кунларда барчага мустаҳкам соғлиқ, фаровон ҳаёт, оилавий бахт, жонажон Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги бунёдкорлик ишларида улкан зафарлар тилайди!*

*Айёмингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!*







«ЎЗКИМЁСАНОАТ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

республикамиз кимёгарлари номидан Ўзбекистон халқини барчамиз учун энг улуғ, энг азиз сана —

Ватанимиз Мустақиллигининг 17 йиллик

байрами билан табриклайди!

Юртбошимиз ташаббуси билан узоқ келажакни кўзлаб амалга оширилаётган чуқур ислоҳотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши, Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилмоқда.





*Ушбу нурафшон айёмда барчага мустаҳкам соғлиқ, яхши кайфият, оилавий бахт-саодат ва янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз!*

*Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо, Мустақиллигимиз абадий бўлсин!*




ДАВЛАТ
АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ КОМПАНИЯСИ
«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»
ватандошларимизни энг улуғ ва энг азиз байрамимиз
бўлмиш мамлакатимиз
Мустақиллигининг 17 йиллиги
билан самимий табриклайди.
TOSHKENT
VOKZAL
TOSHKENT
Юртимизда улкан ва унутилмас
тантаналар билан нишонланадиган
Мустақиллик байрами ҳаммамизга
бугунгидан-да зиёда тўкинлик,
фаровонлик, ободлик, қувонч
ва шодликлар бахш этсин.
Эл-юртимиз омон, осмонимиз мусаффо,
мустақиллигимиз абадий бўлсин!


SamAuto
«Самарқанд автомобиль заводи» МЧЖ
Ўзбекистон халқини ажойиб байрам —
Мустақиллик куни
билан чин дилдан муборакбод этади!
Ҳар бир оилага тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик,
мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилайди!
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН



Бунёдкорлик

# ҚИШЛОҚДА МУҲТАШАМ КОЛЛЕЖ

***Озод юртга бунёдкорлик ярашади. Шу боис бугун мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида яратувчанлик ишлари авж олган. Хусусан, мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрами арафасида Андижон вилоятида ҳам кўплаб маданий-маърифий иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда.***



Избоскан туманининг Урганжи қишлоғидаги енгил саноат касб-ҳунар коллежи ана шундай қутлуғ байрам туҳфаларидан биридир.

Замонавий, кўркам, барча қулайликларга эга мазкур 720 ўринли коллежда ёруғ ва кенг ўқув хоналари, спорт зали, ошхона ҳамда ахборот ресурс маркази ёшлар ихтиёрида. Ана шундай чиройли, муҳташам ўқув даргоҳини барпо этишда «Андижон КМК» масъулияти чекланган жамияти қурувчиларининг хизмати катта бўлди.

Таъкидлаш керакки, ушбу йилда вилоятнинг шаҳар ва туманларида ўнта замонавий касб-ҳунар коллежини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

**СУРАТЛАРДА: янги ўқув маскани; енгил саноат касб-ҳунар коллежининг илк талабалари (чапдан) Зуҳра Ҳасанова, Турсуной Ахатова ва информатика ўқитувчиси Файзулло Мадалиев.**

**Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**

***Косонсой маҳаллаларининг кўпчилиги энг улуғ, энг азиз байрамимизни ўз ҳудудларида барпо этилган янги гузарларда нишонлашяпти.***

# СЕРФАЙЗ ГУЗАРЛАР

Чунончи, «Боғишамол» мавзесининг каттаю кичиги талпинадиган йирик савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ана шундай масканлардан. «Чашмаи сафед» фермер хўжалиги яқинда ишга туширган бу гўшанинг спорт майдончасида, чўмилиш ҳавзасида ёш-ёланглар гавжум. Энг муҳими, мажмуада маҳалладаги йигит-қизлардан 260 нафари муқим меҳнат жойига эга бўлди.

Қувонч

«Чашмаи сафед»нинг маҳалла ободонлиги йўлидаги хайрли ишлари кўпчиликка намунадир. Тадбиркор Муродхон Абдулхаев ўзи яшаётган ҳудуд аҳли учун қурган икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш масканида 12 нафар йигит-қиз меҳнат фаолиятини бошлади. Дилшод Абдурашидов эса гул савдосига мўлжалланган дўконини маҳалла аҳли хизматига шай қилиб қўйди. Фарҳоджон Нишонов ишга туширган мўъжаз ҳаммом ҳам кўпчиликка байрам туҳфаси бўлди. Умуман, туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар томонидан яратилган иш ўринлари сони икки мингдан ортиб кетди.

**Анорбой ОЛИМОВ.**

# ЖИЗЗАХЛИК НУРОНИЙЛАР ХОРАЗМДА



***Жиззах вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Нуроний» ва «Маҳалла» хайрия жамғармалари вилоят бўлимлари 50 нафар қариянинг кўҳна Хоразм воҳасига саёҳатини уюштирдилар.***

Савоб

Жиззахлик отахон ва онахонлар ташрифларини Истиқлол йилларида барпо этилган Жалолиддин Мангуберди, ал-Хоразмий, Авесто ёдгорликлари пойига гулчамбарлар қўйишдан бошлашди. Сўнгра вилоят марказидаги янги қурилишларни томоша қилишиб, Маънавият тарғибот маркази фаолияти билан танишдилар.

Тарихий Хива ёдгорликлари, маҳаллий қариялар ва ёшлар билан бўлган суҳбатлар, воҳа меҳнаткашлари ҳамда тадбиркорларининг эришган ютуқлари зиёратчиларда катта таассурот қолдирди.

**Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**










«Heritage Central Asia»

ташкилотининг
Ўзбекистондаги ваколатхонаси
бутун Ўзбекистон халқини
Мустақилликнинг
17 йиллиги билан
чин қалбдан табриклайди!

Азиз юртдошлар!

Истиқлол шодиёнасига саноқли кунлар қолди.

KOMFORT Elit САЛОНИ ЖАМОАСИ



**Мустақиллигимизнинг**
**17 йиллиги билан**
**юртдошларимизни чин**
**дилдан муборакбод этади!**

*Шодиёна кунларимиз серқуёш заминимизга нур таратиб турган қуёш сингари қалбларимизга илиқлик олиб келсин.*

*Юртимиз тинчлиги, фаровонлиги абадий бўлсин!*

*Гуллаб-яшнаётган диёримиз осмони ҳамиша мусаффо ва беғубор бўлсин!*

*Мамлакат тараққиёти ва истиқболи учун астойдил меҳнат қилаётган ёшларимизнинг ташлаётган ҳар битта қадами мустаҳкам бўлсин!*

*Яна бир бора энг улуғ ва энг азиз байрамимиз муборак бўлсин!*

ЛУКОЙЛ

Ўзбекистон халқини
**Мустақиллик куни**
**билан табриклаймиз!**
Барчага тинчлик, саломатлик
ва бахту омадлар тилаймиз!

